

ЎЗБЕК ХАЛҚ
ИЖОДИ
ЁДГОРЛИКЛАРИ



17



ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Ўн еттинчи жилд

СУВ ҚИЗИ

(сеҳрли эртақлар)



Namangan davlat chet
tillari instituti
Axborot-resurs markazi
Kel. № 2458
“ ” 20__ y

Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи
ТОШКЕНТ – 2022

УЎК 398.22+82-131

КБК 82.3(5Ў)

С 95

Тахрир хайъати:

Баҳром Абдуҳалимов, Маматкул Жўраев (хайъат раиси), Тўра Мирзаев, Низомиддин Маҳмудов, Сирожиддин Саййид, Усмон Азим, Лазиз Тангриев, Шомирза Турдимов, Жаббор Эшонкулов, Ҳабиб Абдиев

Тузувчи, сўзбоши, илмий изоҳлар ва лугат муаллифи:

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари доктори, профессор
Маматкул ЖўРАЕВ

Нашрга тайёрловчилар:

**Мансур АФЗАЛОВ, Зубайда ҲУСАИНОВА, Маматкул ЖўРАЕВ,
Зебинисо РАСУЛОВА**

Масъул муҳаррир:

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби,
филология фанлари доктори, профессор **Тўра МИРЗАЕВ**

Тақризчилар:

филология фанлари доктори **Дармоной ЎРАЕВА,**
филология фанлари номзоди **Олимжон ҚАЮМОВ**

“Сув қизи” (сеҳрли эртақлар): 17 жилд / Тузувчи: М.Жўраев. Нашрга тайёрловчилар: М.Афзалов, З.Хусаинова, М. Жўраев, З.Расулова. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2022. – 444 б.

Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари.

«Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» 100 жилдигининг барча ҳуқуқлари амалдаги қонунлар асосида ҳимояланади. ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг ёзма рухсатисиз «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» 100 жилдигини тўла, қисман ёки муайян парчалар ҳолида чоп этириш, шунингдек, мазкур нашрга киритилган фольклор асарларини тижорат мақсадида бошқа нашриётларда, оммавий ахборот воситаларида кўчириб босиш ҳамда интернет сайтларига жойлаштириш тақиқланади.

УЎК 398.22+82-131

КБК 82.3(5Ў)

© Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти фольклори институти, 2022

© Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2022

ISBN 978-9943-5956-8-2



ЭРТАКЛАР – ЭЗГУЛИККА ЕТАКЛАР

Маълумки, эртак ўзбек фольклорининг эпик турга мансуб қадимий жанрларидан бири бўлиб, халқ орасида ғоят кенг тарқалганлиги, асрлар давомида шаклланган миллий қадриятлар, халқ турмуш тарзи, анъаналари ва урф-одатларини ўзига хос тарзда эпик талқин қиладиган, асосан профессионал ижрочилар – эртакчилар томонидан насрий усулда оғзаки тарзда ҳикоя этиш орқали оммалашishi, яхлит поэтик тизим сифатида шаклланганлиги, ўзига хос бадиий структура ва мотивлар таркибига эгаллиги, ҳаётий воқеликни ҳаёлий уйдирма, фантастик талқин орқали ифода этиши билан характерланади. Ўзининг матний тузилиши, композицион қурилиши, ижро усули, жанрий табиати ва ҳаётий-маиший функциясига кўра эртак ўзбек фольклорининг афсона, ривоят, нақл, латифа сингари жанрларига яқин турганлиги сабабли фольклоршуносликда бу тип халқ ижоди намуналари “халқ насри жанрлари” силсиласида таснифланади.

Эртак ўзбек халқ насрининг асосий жанрларидан бири ҳисобланади. Тарихий асослари қадимги мифология ва архаик маросимларнинг эпик диффузиясига алоқадор бўлган эртак жанрида ўзбек халқининг эзгу ғоялари, ўзига хос дунёқараши, маънавий қадриятлари, руҳий-эмоционал кечинмалари, оилавий-маиший, диний-ахлоқий қарашлари ҳамда бадиий-эстетик тамойиллари ўз аксини топган. Эртак тингловчига бадиий-эстетик завқ бериш билан бир қаторда унга муайян ахлоқий-дидактик, маънавий-маърифий тарбия бериш воситаси ҳам ҳисобланади.

Фольклорнинг бошқа жанрлари каби эртаклар ҳам халқ оммаси томонидан ижод қилиниб, асрлар мобайнида оғиздан-оғизга ўтиб оммалашishi натижасида анъанавий эпик сюжетларнинг бадиий эволюцияси таъминланади. Эртак жанрига мансуб матнлар кўпинча халқ насрининг бу жанрига оид асарларни яхши биладиган, сўз санъатини юксак даражада эгаллаган профессорлар эртакчилар томонидан маромига етказиб ижро этилиши туфайли сайқалланиб келган.

Ўзбек халқи орасида эртак жанрига мансуб фольклор асарлари номини ифодалаш мақсадида асосан қуйидаги икки атама фаол қўлланилади:

“Эртак” – ўзбеклар истиқомат қиладиган барча ҳудудларда кенг тарқалган атама бўлиб, халқ оғзаки бадиий ижодининг тўқима ва ҳаёлий уйдирмага асосланган, сеҳрли саргузашт, фантастик талқин ва маиший



мазмундаги эпик турга мансуб асари маъносида қўлланилади. Бу термин мазкур жанр номини ифодаловчи энг қадимий атамалардандир. XI асрнинг машҳур тилшунос олими Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида бу атама “этук” тарзида қайд этилган: “Этук – ҳикоя, эртак; бирор мақсадни шохга билдириш, ҳикоя қилиш учун ҳам бу сўз қўлланади. Асли бир нарсани ҳикоя қилишдан олинган”.¹

Бинобарин, “эртак”, “эртаки”, “иртаки” атамалари фольклорнинг эпик турига мансуб насрий жанрларидан бирининг номи сифатида кўпгина туркий халқлар, хусусан, ўзбек, қозок, қорақалпоқ, уйғур, қирғиз, турк, олтой тилларида фаол қўлланилади. Таниқли тилшунос олим Л.Будаговнинг луғатида келтирилишича, олтой, қирғиз тилларидаги “иртаки”, уйғур тилидаги “эртаки” сўзи “жуда қадимги, ўтган замондаги”, “эртак”, “ўтмишда ўтган қаҳрамонлар ҳақидаги ҳикоялар” каби маъноларни англатиши қайд этилган. Олим шу ўринда мазкур атаманинг қўлланилиш кўлами хусусида қуйидагиларни кўшимча қилган: “қирғизларда “иртаки” деб чолғу асбоби жўрлигида назм билан насрни аралаштириб ижро этиладиган асарга айтилади”.²

Бу атаманинг этимологияси хусусида бир неча хил илмий қарашлар илгари сурилган. Атоқли олим Ҳ.Вамбери “эртак” атамасининг этимологияси хусусида фикр юритар экан, бу сўзнинг келиб чиқиши “эрта”, “эртаки”, “тонг”, “тонг ёришиши” маъноларини билдирувчи “ir//er//ar//ur” (“ir//er//ar//ur”) ўзагига боғланади деб ҳисоблайди. У ўз фикрини исботлаш учун чиғатой тили ёзма манбаларидаги “ir”, “irte” – “эртаки”, “эрталаб”; “irteki” – “кўхна”, “эртак” лисоний бирликларини келтириб, бу материалларни венгер тилидаги “reg” – “кўхна” ва “rege” – “эртак”, “достон/былина” сўзлари билан қиёслади.³ Туркий тилларнинг этимологик луғати муаллифи Э.В.Севортыяннинг талқинича эса, “эртак” сўзининг юзага келишига қадимги туркийлар тилида “ҳазиллашмоқ”, “ҳазил сўз айтмоқ” маъноларида қўлланилган “ar//er//ir//er” ўзаги асос бўлган.⁴

Бизнинг фикримизча, “эртак” атамасининг этимологияси хусусида Э.В.Севортыяннинг тахмини ҳақиқатга яқинроқ. Чунки ўзбек тилида қўлланиладиган “эрмак”, “эркаламоқ”, “эркалама” сўзларининг ясалишида ҳам “ar//er//ir//er” ўзак лексемаси иштирок этган. Бундан ташқари, ўзбек

¹ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. 1-том. – Тошкент: Фан, 1960. – Б.98..

² Будагов Л. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Т.1. – СПб.: Типография императорской академии наук, 1869. – С.186.

³ Vambery H. Etymologisches Wörterbuch der Turko-tatarischen Sprachen. – Leipzig, 1878. – P.41.

⁴ Севортыян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. Т.1. – М.: Наука, 1974. – С.304-305.

тилида “лаб”, “оғизнинг лаб қисми” маъноларини билдирувчи “эрин” сўзининг асосида ҳам ана шу ўзак туради.

Қадимги туркийлар лаҳжасида “ҳазиллашмоқ”, “сўзламоқ”, “ҳикоя қилмоқ”, “қуйламоқ” маъноларида қўлланилган ва муайян даражада омонимик моҳият касб этган “ар//ер//ир//өр” архаик ўзак-лексемасига “-та” ясовчи қўшимчасини қўшиш орқали феълнинг буйруқ майлидаги шакли – “бирор нарсани ҳикоя қил”, “муайян воқеани сўзлаб бер” маъносидаги “арта//ерта//ирта” феъли ҳосил қилинган. Ана шу лексемага қадимги туркийлар тилидаги ҳаракат номи ясовчи “-қ”//“-к” аффиксини қўшиш натижасида хаёлий уйдирма ва фантастик тасвир асосига қурилган фольклор жанри номини билдирувчи “эртак” атамаси юзага келган.

Шундай қилиб, қадимдан туркий тилларда “эртак”//“эртаки” лексемаси “энг қадимги ҳикоялар”, “ўтмиш афсоналари”, “аввалги уйдирма ҳикоялар”, “қисса”, “эртак” ва “кўҳна замонларнинг баҳодирлари ҳақидаги дoston” маъноларида ишлатиб келинган.

“Эртак” сўзининг халқ насри жанрларидан бирининг номи сифатида анъанавийлашувида “эрта” сўзининг “барвақт”, “эртаги”, “қадимги”, “аввалги” маънолари ҳам муайян роль ўйнаган, албатта. Эртаклар, асосан, ретроспектик характерга эгаллиги, яъни ҳикоя қилинаётган воқеликнинг замоний қамрови ўтмишни акс эттириши, қадим замонлардаги воқеа-ҳодисалар, ўтмиш кишиларининг турмуш тарзига алоқадор мавзулар, мифологик давр кечмишлари баён этилиши ҳам “эртак” атамаси замирида ўтмиш билан боғлиқ маъноси ҳам мавжудлигини кўрсатади. Баъзи жойларда, масалан, Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларида яшовчи курама шеваларида сўзлашувчи аҳоли нуткида баъзан “эртак” сўзи ўрнида “эртаки” атамаси ишлатиладики, бу шакл аслида мазкур терминнинг қадимий кўриниши ҳисобланади.

“Чўпчак” – эртак маъносини англатувчи бу атама, асосан, Тошкент шаҳри ва унинг атрофларидаги қишлоқларда қўлланиб келинган. Аммо бу атаманинг ишлатилиш доираси ва қамрови у қадар кенг кўламли эмас, яъни халқ орасида “эртак” термини сингари кенг микёсда оммалашмаган. Шундай бўлса-да, юқорида қайд қилинган ҳудудда яшовчи кекса ёшли аҳоли тилида бу атама “эртак” термини вазифасида ишлатилиши кузатилади.

“Чўпчак” атамаси муайян фонетик ўзгаришларга учраган ҳолда бошқа туркий халқлар тилида ҳам ишлатилади. Масалан, тилшунос олим Л.Будаговнинг луғатида қайд этилишича, олтой тилида “чөрчөк” (яъни “чўрчөк”) сўзи “афсона”, “эртак”, “масал” маъноларини англатса, “чөрчөктө” феъли “эртак айтмоқ” маъносини билдиради.¹

¹ Будагов Л. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Т.1. – СПб. – М., 1869. – С.493.

Бу сўз ўрта асрларда ҳам ўзбек фольклорининг эпик турга мансуб жанрларидан бири – эртак жанрининг номи сифатида халқ тилида фаол қўлланилган. Зеро, Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий асарларида бу сўз “чўрчак” шаклида ишлатилган бўлиб, “афсона, эртак” маъноларини англатган. Хусусан, шоирнинг “Хазойинул-маоний” девонида қуйидаги байтда шу маънода келтирилган:

*Ҳабибим ҳусни васфнинг ўйла муҳлик онглаким, бўлгай,
Қошида қиссайи Юсуф бир уйқу келтурур чўрчак.¹*

Демак, ўзбек тилида “эртак” маъносида қўлланилган “чўпчак”//“чўрчак” сўзининг асосида “кичик хас”, “хас-хашак”, “новданинг энг майда бўлакчаси” маъноларини англатувчи “чўп”/“чор” ўзаги ётади. “чак” аффикси эса кичрайтириш маъносини ифодаловчи қўшимчадир. Бухоро вилоятининг Қоракўл тумани аҳолиси шеvasида “хас-хашак”, “майда-чуйда новдалар” маъносидаги “чўп-чор” сўзи ҳам мавжуд. Бугдой ўримидан кейин хирмон янчилиб, сомондан ажратилган донни ҳар хил чўплардан тозалашни “чорини териш” дейилади. Бу ўринда “чор”//“чўр” лексемаси “чўп” сўзига маъно жиҳатдан вазифадошлик касб этади. Бинобарин, халқ тилида “чўп” ўзаги асосида ҳосил қилинган “чўпчумак” сўзи “майда хас-чўпларни териш” маъносини ифодалайди. Болалар фольклори намунасига айланган қадимги маросим қўшиқларидан бирида ҳам бу сўз шу маънода қўлланилган:

Офтоб чикди оламга,
Югуриб бордим холамга,
Холам чўпчак тер деди,
Чўпчак тердим бир кучок,
Нон ёпти ўчоқ-ўчоқ.

“Чўпчак” сўзининг “эртак” маъносида қўлланилишида ҳам мазкур лексеманинг туб маъноси асосга олинган. Бошқача қилиб айтганда, “чўпчак” – “кичик ҳикояларни айтиш”, “майда афсоналарни сўзлаб бериш” демакдир. Қайд қилиш жоизки, “чўпчак” атамасининг фольклор жанри номи сифатидаги қўлланиш миқёси бирмунча кенгрок бўлиб, айрим жойларда топишмоққа нисбатан ҳам ишлатилиши ҳолати кузатилади. Бу сўз халқ орасидаги “топар чўпчак”, “топ-топ чўпчак” каби атамалар, жумбоқ айтиш билан боғлиқ “Чўпчагим чўпчак, олтин беланчак, олти қизнинг энаси, ҳалигача келинчак” (қўғирчоқ) каби топишмоқлар таркибида ҳам учрайди.

¹ Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. 2-том. – Тошкент: ЎзР ФА нашриёти, 1959. – Б.327.



Фольклористик изланишлар натижасида Ўзбекистоннинг турли худудларида “эртак” маъносини ифодаловчи яна бир нечта атамалар ҳам мавжудлиги аниқланди. Жумладан, Фарғона водийсининг айрим жойларида, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида “матал”, Бухоро ва Навоий вилоятларида истиқомат қилувчи аҳоли лексикасидаги “ушук”, Хоразм вилояти аҳолиси шеvasида “ворсоқи” сўзи “эртак” маъносида ишлатилади. Шу билан бир қаторда, айрим кишилар нутқида бу каби атамаларга муқобил вариант сифатида “ўтурик” (яъни “ёлгон ҳикоя”), “тутал” (яъни маъноси яширин – топишмоқли ҳикоя), “ҳикоя”, “масала” сингари сўзлар ҳам қўлланилиши кузатилган.

Шундай бўлса-да, ўзбек фольклорининг хаёлий уйдирма воқеаларни фантастик талқин асосида баён этишга асосланган энг қадимий ва оммавий жанрининг номи сифатида “эртак” атамасининг қўлланилиши барча худудлар учун муштарақлик касб этади. Ўзбек фольклоршунослигида ҳам жанрлар таснифотини яратиш ҳамда мазкур эпик жанр табиатини белгилашда ушбу атама илмий истеъмол учун қабул қилинган.

Маълумки, ўзбек халқ эртакларини ёзиб олиб, чоп этиш билан боғлиқ дастлабки ишлар XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. Бу даврда Ўрта Осиёда илмий текшириш ишлари олиб борган шарқшунос, турколог, этнолог олимлар ва ҳаваскор фольклор тўпловчиларнинг сайъ-ҳаракатлари билан ўзбек эртакчилари репертуаридаги асарларни ёзиб олиш ишлари амалга оширилган.

Ўрта Осиё халқлари тарихи, этнографияси, археологияси, адабиёти, тили ва фольклорини ўрганиш мақсадида 1893 йилда ўз фаолиятини бошлаган Ҳаваскор археологлар Туркистон тўрагагининг ташкилотчиларидан бири, 1883-1917 йилларда “Туркистон вилоятининг газети”га муҳаррирлик қилган Н.П.Остроумов ўзбек халқ эртакларини тўплаб, рус тилига таржима қилиб нашр эттиришга муҳим ҳисса қўшган. У ўзи тўплаган 22 та ўзбек халқ эртакини рус тилига таржима қилиб, 1892 йилда “Этнографические материалы” тўпламида мухтасар сўзбоши билан чоп эттирган. Сўзбошида ўзбек халқ эртакларининг ўзига хос хусусиятларига алоҳида тўхталган тўпловчи, уларни рус эртаклари билан қиёслаб, ўхшаш ва фарқли жиҳатларини кўрсатишга ҳаракат қилган.¹ 1906 йилда эса у ўзининг ушбу тўпламидаги ўн етти эртакни танлаб олиб, “Сарт халқ эртаклари” номи остида нашр эттирган. Тўпламдаги эртакларнинг аксарияти бевосита Н.П.Остроумов томонидан тўпланган бўлса-да, мажмуага таниқли шарқшунос ва археолог олим Н.Н.Пантусов томонидан марғилонлик ўзбек эртакчисидан ёзиб олинган “Чол ва савдогарнинг қизи”, Қўқон хукмдори Худоёрхоннинг ўғли Ибняминбекнинг ўз онасидан ёзиб олган

¹ Остроумов Н.П. Сарты. Этнографические материалы. Вып.2. Народные сказки сартов. – Ташкент, 1892.

“Малика билан дев”, наманганлик Дадахўжа Қосимбоевдан Тошкент гимназияси ўқувчиси Н.Шерматов ёзиб олган “Бўри ёрдамида уч сеҳрли куш, соҳибжамол малика ва тулпор отни олиб келган шахзода Ҳасан”, шунингдек, кўқонлик эртақчилардан ўқитувчи В.Ф.Васильев ёзиб олган “Ялмоғиз кампир билан олтин сочли шахзода”, “Ўғай она”, “Уч шахзода” эртақлари ҳам киритилган. Тўпловчи эртақларни таржима қилиниши қийин бўлган сўзлар изоҳи билан нашр этган бўлиб, ҳар бир матннинг манбаи, яъни айтувчи ва ёзиб олувчи ҳақидаги маълумотларни ҳам келтириб ўтганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Масалан, “Соҳибжамол Дунё қиз, ялмоғиз кампир ва шахзода” эртагини 1892 йилнинг август ойида Қибрай қишлоғи бозорида баққоллик билан шуғулланувчи кишидан ёзиб олинганлиги қайд этилганлиги фольклоршунослик учун муҳим илмий қимматга эга. Мазкур тўпламдан тошкентлик таниқли воиз мулла Абдул-Ҳалимдан ёзиб олинган жин-ажиналарнинг пайдо бўлиши ҳақидаги демонологик ҳикоя, аждаҳо, Семурғ, Аквон дев, Аржанг дев ва Дев сафид, Анко ҳамда оби одам, яъни сувда яшайдиган одам тўғрисидаги афсоналар ҳам жой олган.¹

1896 йилда В.Н.Харузин томонидан нашрга тайёрланиб, чоп этирилган “Сказки русских инородцев” номли мажмуага Н.П.Остроумовнинг 1893 йилда чиқарилган “Народная сказка сартов” тўпамидан олинган “Кибрли подшо” (“Гордый хан”) ва “Подшо билан ўғри” (“Хан и вор”) номли ўзбек халқ эртақлари киритилган.²

Туркий халқлар тили, тарихи, фольклори ва ёзма адабиётининг йирик тадқиқотчилари В.В.Бартольд, П.М.Мелиоранский, Н.Ф.Катанов, К.Г.Зелеман ва В.В.Радлов каби машҳур туркийшунос олимлар анъаналарини давом эттирган А.Н.Самойлович ўзининг Ўрта Осиё бўйлаб ўтказган илмий сафарлари давомида халқ оғзаки бадиий ижоди асарлари, жумладан, ғоят қизиқарли ва ранг-баранг сюжетлардан иборат ўзбек халқ эртақларини ёзиб олишга алоҳида эътибор қаратган. У 1904 йилда Кўҳна Урганч яқинидаги Илонли қишлоғида яшовчи 31 яшар Муҳаммад Раҳимдан “Аннамурод бува” номли эртақни ёзиб олишга муваффақ бўлган. Бу ҳаётий-маиший эртақда ўзининг меҳнатсеварлиги ва камтарлиги билан обрў қозонган деҳқон ҳақида ҳикоя қилинади.³ 1908 йилнинг 27 майидан 7 июнига қадар Хивадан Кўҳна Урганчгача бўлган ҳудудга сафар қилган А.Н.Самойловичга ҳамроҳлик қилган Худойберган деган йигит ўзининг ақлу фаросати ва тадбиркорлиги туфайли эрини ўлимдан сақлаб қолган

¹ Остроумов Н.П. Народные сказки сартов (2-е издание). - Ташкент, 1906.

² Сказка русских инородцев (подготовка текста В.Н.Харузин). Вступительное слово В.М.Михайловского. - М., 1896. - С. 222-225, 226-227.

³ Самойлович А.Н. Хивинский рассказ про Анна-Мрат Бову // Живая старина. - М., 1908. - год 17 (1908). - Вып.4, отд.2. - С.490-494.

оқила хотин тўғрисидаги ўзбек халқ эртагини айтиб берган. Олим 1908 йил 4 июнь куни Кўҳна Урганч яқинидаги Илонли қишлоғида ана шу эртакни ёзиб олишга киришган ва орадан икки кун ўтгач, яъни 6 июнда Оқтепа деган жойга етиб келишганида ёзиб тугатган. Хоразм воҳаси эртакчилик анъаналарининг ўзига хос хусусиятларини ақс эттирган бу эртак “Эрни эр қилган хотин”, “Тадбирли аёл” каби ўзбек халқ эртакларининг ўзига хос варианты бўлиб, кейинчалик А.Н.Самойлович томонидан “Пишик афсонаси” номи остида рус тилида чоп этирилган.¹

А.Н.Самойлович ўзининг мазкур илмий экспедицияси ҳақидаги қисқача ҳисоботида 1908 йилнинг 19 июнида Гурланга қараб йўл олганлигини қайд этар экан, шундай ёзади: “Гурлан округида асосан ўзбеклар истиқомат қилишар экан, мен ўзбек шеvasига доир кузатишларимни қайд этиб бордим ва шу ерда қангли уруғидан бўлган бир эртакчининг нақлларини тингладим”.² Ўша йилнинг 20 июнь куни олим гурланлик ана шу эртакчидан (афсуски, эртакчининг исми-шарифи қайд этилмаган) “Қирқ ёлғон” эртагининг икки вариантини “хива-ўзбек лаҳжасида” ёзиб олган.³ А.Н.Самойлович ўзининг Хоразм воҳасидан тўплаган фольклор материаллари асосида ёзган яна бир мақоласида эса “Кокил паранг” номли ўзбек халқ эртагини атрофлича таҳлил қилган.⁴ Бинобарин, таниқли турколог олим А.Н.Самойлович томонидан ёзиб олиб, чоп этирилган ўзбек халқ эртаклари Оролбўйи эпик ареалидаги анъанавий сюжетларнинг тарқалиши ва бадиий эволюцияси жараёнини ўрганишда муҳим илмий қимматга эга.


Наманган вилоятидаги Ёркўрғон рус-тузем мактаби ўқитувчиси А.Васильев бешкапалик Ортиқбой Саримсоқовдан “Шахзода Назармуҳаммад ва малика Назарбиби” эртагини, шунингдек ўзининг ўқувчиси Исмоил Бураимовдан “Хирсиддин полвон” эртагини ёзиб олиб, рус тилига таржима қилган ва “Туркестанские ведомости” газетасида чоп

¹ Самойлович А.Н. “Пишик афсонаси” – “Сказка с кошкой” (хивинская версия) // Живая старина. – М., 1910. – год 19 (1910). – Вып.1-2. – отд.2. – С.121-128.

² Самойлович А.Н. Краткий отчет о поездке в Ташкент и Бухару и в Хивинское ханство командированного СПб. Университетом и Русским комитетом приват-доцента А.Н.Самойловича в 1908 году // Известия Русского комитета для изучения Средней и Восточной Азии в историческом, археологическом, лингвистическом и этнографическом отношениях. – 1909.№9. – С.28.

³ Самойлович А.Н. Сказка “Сорок небылиц” по туркменскому, узбекскому и киргизскому вариантам // Живая старина. – М., 1912. – год 21 (1912). – Вып.2-4. – С.477-484.

⁴ Самойлович А.Н. Краткая опись среднеазиатско-турецких сказок и сказаний собрания А.Н.Самойловича // Живая старина. – М., 1912. – год 21 (1912). – Вып.2-4. – С.533-537.



эттирган.¹ Биринчи эртақ ўзбек халқ эпосида кенг тарқалган ўғайлик мотиви асосига қурилган бўлиб, унда бефарзанд подшонинг кенжа хотини бир ўғил билан бир қиз тукқанида кундошлари душманлик қилиб, чақалоқларни кучук болалари билан алмаштириб қўйишлари, чўл-сахрога ташлаб юборилган гўдакларни эса Хизр тарбиялаб вояга етказиши воқеалари тасвирланган. Тарихий асослари эгизаклар култи ва дуалистик мифологияга бориб тақаладиган ушбу эпик сюжет жуда кўплаб ўзбек халқ эртақлари, шунингдек, “Қиронхон”, “Соҳибқирон”, “Ойпарча”, “Чорёр”, “Оқбилак ойим”, “Қоракўз ойим”, “Соҳибқирон-Соҳибжамол”, “Шониёз подшо” сингари халқ достонларининг юзага келишига ҳам асос бўлган. “Хирсиддин полвон” эртаги эса эпик қахрамоннинг ғайриоддий қобилият эгалари билан учрашиши ва улар ҳамроҳлигида турли саргузаштларни бошидан кечириши тасвири асосига қурилган. Ғоят бақувват бўлган Хирсиддин полвон икки кўлида тоғни-тоққа уриб ўйнайдиган Тоғ полвон, бир ҳўплаганда дарё сувини ичиб қўядиган Дарё полвон ҳамда кўлида хамиша тегирмон тошини кўтариб юрадиган Тегирмон полвон билан учрашиб, улардан кучлилигини исботлайди. Бу эпик сюжет XX асрнинг 60-йилларида Хоразм вилоятидан ёзиб олинган “Аҳмадлар” номли ўзбек халқ эртагида, шунингдек, олтой халқ эпоси “Маадай кара”да ҳам учрайди.


Бундан ташқари, шу газетада ҳаваскор фольклор тўпловчи А.Балагин томонидан ёзиб олинган “Иброҳимнинг бахти”² номли ўзбек халқ эртаги ҳам рус тилида оммалаштирилган.

1918 йилда Антропология ва этнография музейи илмий ишлари тўпламида шарқшунос олим В.В.Бартольднинг “К сказке о хитрости Дидоны” номли мақоласи босилди. Ушбу мақолада олим ўзбеклар орасида “Донишманд чўпон” номи билан машҳур бўлган бир эртақ сюжетининг қадимий асослари ва қиёсий таҳлили масаласида жиддий илмий қарашларни илгари сурди.³ Бу эртақда бир доно чўпон ўзининг бениҳоя ақллилиги ва ишбилармонлиги билан подшони қойил қолдиргач, ҳукмдор унга “Тила тилаганингни” дейди. Шунда донишманд чўпон бир ҳўкиз терисига сиғарчалик ер сўрайди. Подшо рози бўлгач, у катта бир ҳўкиз терисини пичоғи билан қийиб, узун ип қилади ва шу ип билан подшо

¹ Васильев А. “Царевич Назар Мухаммад и царевна Назарбиби” (сартовская сказка, рассказана Саримсаковым Артыком в селении Бешкапа Наманганского уезда, запись учителя А.Васильева) // Туркестанские ведомости. – Ташкент, 1909, 4 июня; Яна ўша. “Хирсытдин палван” (сартовская сказка, рассказана учеником Яркурганской русско-туземной школы Наманганского уезда Исмаилов Бурановым. Запись учителя А.Васильева) // Туркестанские ведомости. – Ташкент, 1909. – 21 июня.

² Балагин А. Счастье Ибрагима (сартовские сказки) // Туркестанские ведомости. – Ташкент, 1916. – №229.

³ Бартольд В.В. К сказке о хитрости Дидоны // Труды Музея антропологии и этнографии. Т.У. Вып.1. – М., 1918. – С.151.



тасарруфида бўлган бутун мамлакатни ўраб олади. Натижада доно чўпон подшо бўлади. Хўкиз терисидан тайёрланган ип билан муайян ҳудудни ўраб олиш мотиви Бухоро, Хива шаҳарларининг бино этилиши билан боғлиқ ўзбек халқ топонимик афсоналарида ҳам учрайди. Бинобарин, В.В.Бартольд ҳам бу мотив Ўрта Осиё халқлари фольклорида юзага келган бўлиб, эпик сюжетлар миграцияси натижасида жаҳоннинг бошқа халқлари оғзаки бадиий ижодига ўтган, деб ҳисоблайди.

Ўзбек халқ эртақларини бевосита жонли ижро жараёнида ёзиб олиш, профессионал эртақчилар репертуаридаги асарларни изчил ва кенг кўламда илмий асосда тўплаб архивлаштириш, системалаштириш, оммавий ва академик нашрларни амалга ошириш ишлари эса XX асрнинг 20-йилларидан бошланди. “Маориф” журналининг 1918 йил 1-сонида халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини тўпловчилар учун қўлланма чоп эттирилиши билан ўзбек фольклори материалларини, жумладан, халқ эртақларини илмий асосда ёзиб олишга асос солинди. Фольклор асарларини тўплаш ва ўрганиш ишлари 1918-20 йилларда Туркистон Маориф халқ комиссариатининг Туркий секцияси, 1921-24 йилларда эса Давлат илмий кенгашининг Ўзбек билим ҳайъати томонидан амалга оширилган. Ўзбек билим ҳайъатининг Тошкент вилояти Бўстонлик туманига (1921), Самарқанд ва Сирдарё вилоятларига (1922), Фарғона водийсига (1922) уюштирган фольклор экспедициялари, айниқса, самарали бўлган. 1925-28 йилларда фольклористик ишлар Ўзбекистон Маориф комиссарлиги Илмий шўросининг Ўзбекларни ўрганиш комитетида марказлаштирилганлиги боис, ўзбек халқ эртақларини ёзиб олиш ва тўплаш ишлари ҳам ана шу кўмита томонидан амалга оширилди. Бу даврда Тошкент, Самарқанд вилоятлари ҳамда Фарғона водийсидан кўплаб эртақларни ёзиб олишган. Ўша даврда тўпланган материаллар 1929 йилга келиб ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди дурдоналари сакланаётган ЎЗР ФА Тил ва адабиёт (ҳозирги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори) институти Фольклор архивининг юзага келишига замин ҳозирлаган.

XX асрнинг 20-йилларидан ҳозирга қадар ўзбек халқ эртақларини ёзиб олиш ишлари Музайяна Алавия (1925-1926, 1945-1965), Ҳоди Зарифов (1926-1960), Муҳаммадиса Эрназар ўғли (1927), Назарқосим Мирза ўғли (1928), Ҳусайн Каримий (1928), Миркарим Осим (1929), Буюк Каримий (1930-1942 йиллар), Мансур Афзалов (1935-1960), Шариф Ражабов (1935), Х.Утешов (1937), Асомиддин Жамолиддинов (1941-1946), Нуриддин Шарипов (1940), Мунисхон Тошпўлатова (1935-1945), Баҳром Иброҳимов (1927), Зубайда Ҳусайнова, Собиржон Иброҳимов (1935-1941, 1947), А.Ашрафхўжаев (1939), Ашур Бозоров (1938), К.Саримсоқов (1937), Шамсия Ангирова (1939), Мансур Турсунматов

(1940), Халил Худойбердиев (1940-1941), Назиха Ғафурова (1945), Хожия Шокирова (1945-1946), Раҳматулла Юсуф ўғли (1947-1948, 1964, 1972), Зайтуна Каримова (1950), Малик Муродов, Тожибой Ғозибоев, Фаттоҳ Абдуллаев (1954), Зубайда Хусаинова (1955-1980), Зоҳир Қўчқор ўғли (1955-1957), Муҳаммаднодир Саидов (1957), Хошимжон Раззоқов (1957-1960), Насрулло Сабуров (1960-1965), Сафарбой Рўзимбоев (1970-1985), Субҳонкул Умаров (1974-1978), Комил Имомов (1969-1995) ва бошқа кўплаб фидойи олимлар ҳамда ҳаваскор фольклор тўпловчилар томонидан амалга оширилди.

Ҳозирги кунда ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архивида 3 мингдан ортиқ ўзбек халқ эртақларининг матни, шунингдек, айрим эртақларнинг фоноёзувлари сақланмоқда. Мазкур нодир илмий фондда рўйхатга олинган дастлабки эртақ “Тоҳир ва Зухра” 1926 йилда хассос олима Музайяна Алавия томонидан Тошкент вилоятининг Пискент туманидаги Бекобод даҳасида истиқомат қилувчи Ойбиби Файзикоора қизидан ёзиб олинган бўлиб, 52-инвентар рақами остида сақланади.

Ўзбек халқ эртақларини муайян тўпламларга киритиб чоп этиш ишлари XX асрнинг 30-йиллари ўрталаридан бошланган. Адабиётшунос Миёнбузрук Солиҳов ўзининг 1935 йилда нашр этилган “Октяргача бўлган ўзбек оғзаки адабиёти” номли асарига дoston, мақол, оғзаки драма асарлари намуналари қаторида “Бой билан новча”, “Авом фолчи”, “Уч ёлғон”, “Тум сағирлигим” эртақларини ҳам киритган.¹

Ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳ.Зарифов томонидан 1939 йили нашр этилган “Ўзбек фольклори” хрестоматиясининг 2-фаслидан “Маликаи Хуснобод”, “Уч ёлғондан қирқ ёлғон”, “Уч оғайни ботирлар”, “Гулфарах”, “Камбағал қиз”, “Ур тўқмоқ”, “Чол билан кампир”, “Эркисиз фолчи”, “Бўри билан тулки”, “Кампир билан шақал”, “Қози билан камбағал” сингари эртақлар жой олган.²

Ўзбек халқ эртақларининг ўзига хос жанр хусусиятлари, таснифи ва бадиияти масалаларини илк бор тадқиқ этган фольклоршунос Буюк Каримий ҳисобланади. Ўтган асрнинг 40-йилларида ўзбек фольклоршунослари халқ ижоди асарларини ёзиб олиш борасида изчил иш олиб борган бир кезларда, яъни атоқли олим Ҳоди Зариф Фарход ГЭСи қурилиши бўйлаб қилган сафари, М.Афзаловнинг урушдан қайтган кишилар оғзидан фронт кўшиқларини ёзиб олиш ишлари, М.Алавиянинг тўй маросим кўшиқларини йиғиш мақсадида ўтказган фольклор

¹ Солиҳов Миёнбузрук. Октябргача бўлган ўзбек оғзаки адабиёти (фольклор). – Тошкент, 1935.

² Зарифов Ҳ. Ўзбек фольклори (сўзбоши, матнлар, луғат). Педагогика институтлари учун хрестоматия. 1-жилд. – Тошкент, 1939. – Б.223-266.

эспедициялари самарали бўлган бир пайтда Буюк Каримий ҳам кетма-кет экспедицияларда иштирок этган. Унинг 1940 йилда Тошкент канали, 1942 йилда Шимолий Тошкент канали курилишлари бўйлаб ўтказган фольклор экспедициялари, айниқса, эртақ жанрини ўрганишда алоҳида бир босқич сифатида эътироф этилган. Мазкур экспедициялар чоғида олим халқ орасида ўзига хос ижро усули, бадиҳагўйлиги, бадий тили билан танилган эртақчи Мулла Мўмин Ёқубовдан “Афлотун ва Арасту”, “Рустам” каби эртақларни ёзиб олган. Асли тошкентлик бўлиб, кейинчалик Пискентга кўчиб келиб яшаган эртақчи Раҳим Қосимов репертуарида ўттиздан ортиқ халқ эртақлари мавжудлигини аниқлаб, унинг ижросида ўн битта эртақни ёзиб олган. Ўзбек халқ эртақларининг илк ноширларидан бири ҳисобланган Буюк Каримий 1939 йилда “Ўзбек халқ эртақлари”нинг ўзбек тилидаги дастлабки алоҳида тўпламини нашр эттирган. Тўпландан 21 та эртақ матни ўрин олган бўлиб, 3-13-саҳифаларда “Халқ эртақлари” номли сўзбоши берилган.¹

Ўзбек халқ эртақларини тўплаб, нашр этиш ишлари ўтган асрнинг 50-60-йилларида ҳам давом эттирилган. Фольклоршунослар М.Афзалов ва Х.Расул томонидан нашрга тайёрланган “Ўзбек халқ эртақлари ҳақида” тўплами 1951, 1953, 1960-1962, 1964 йилларда сўзбоши билан чоп этирилди. 1960 йилда М.Афзалов, Х.Расулов ва З.Хусаиновалар томонидан нашрга тайёрланган “Ўзбек халқ эртақлари” 2-жилдлиги сўзбоши билан босмадан чиқди. Ўша йили мазкур тўпланиннг рус тилидаги нашри ҳам амалга оширилди.² Ушбу икки жилдлик ўзбек халқ эртақлари мажмуаси 1962 йилда рус тилида,³ 1963 ва 1995 йилларда эса ўзбек тилида чоп этирилди.⁴ Энг яхши ўзбек халқ эртақларидан тузилган мазкур мажмуа 2011 йилда “Ўзбекистон” нашриёти томонидан уч жилд ҳолида қайта нашр қилинди.

Атоқли фольклоршунос олим Ҳ.Зарифовнинг ташаббуси билан 1964 йилдан “Ўзбек халқ ижоди” кўпжилдлигини нашр этишга киришилгач, ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институти Фольклор архивида сақланаётган ўзбек халқ эртақларини алоҳида мажмуалар ҳолида нашрга тайёрлаш ишлари бошланди. Натижада “Ўзбек халқ ижоди” кўптомлиги силсиласида ўзбек

¹ Ўзбек халқ эртақлари (тўпловчи: Буюк Каримий). – Тошкент, 1939.

² Ўзбек халқ эртақлари (нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифлари: М.Афзалов, Х.Расулов, З.Хусаинова). 2 жилдлик. – Тошкент, 1960; Узбекские народные сказки (составление, подготовка текста и предисловие: М.Афзалова, Х.Расулова и З.Хусаиновой). В 2-х томах. – Ташкент, 1960.

³ Узбекские народные сказки (составление, подготовка текста и предисловие: М.Афзалова, Х.Расулова и З.Хусаиновой). В 2-х томах. – Ташкент, 1962.

⁴ Ўзбек халқ эртақлари (тўпловчи: Буюк Каримий). – Тошкент, 1939.

халқ эртақларидан тузилган “Сув қизи”,¹ “Олтин олма”,² “Ойжамол”,³ “Гулпарӣ”,⁴ “Кулса – гул, йиғласа – дур”,⁵ “Олтин бешик”,⁶ “Зумрад ва Қиммат”,⁷ “Лукмони ҳаким”⁸ тўпламлари босилиб чиқди.

Ўзбек халқ эртақларини ёзиб олиш, нашрга тайёрлаб, чоп эттириш ва халқ орасида кенг оммалаштириш борасида самарали меҳнат қилган таниқли фольклоршунос профессор К.Имомов ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти фольклор экспедицияси таркибида Туркистон, Чимкент, Сайрам, Қорабулоқ (1969), Фарғона, Наманган, Андижон (1972), Қашқадарё (1976), Самарқанд, Навоий, Бухоро ва Туркменистон Республикасининг Фороб тумани (1986, 1988), Тошкент вилояти (1990-1995) бўйлаб ўтказилган илмий сафарларда ўзбек халқ эртақларига доир бой материаллар тўплаган. У ўзи ёзиб олган ва тўплаган материаллари асосида “Қари наъматак” (1977), “Ўзбек халқ эртақлари” (1981), “Ўзбек халқ эртақлари” (1990), “Сехрли шамчиروқ. Ўзбек халқ эртақлари” (1990), “Дев қиз. Ўзбек халқ эртақлари” (1992), “Минг бир кулгу. Ўзбек халқ эртақлари” (1994), “Сичқон қиз. Ўзбек халқ эртақлари” (1998), “Кенжа ботир. Ўзбек халқ эртақлари” (2000), “Жўжа билан тулки. Ўзбек халқ эртақлари” (2005) каби мажмуаларни чоп эттирган.

Маълумки, Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудуди ўзига хос дostonчилик мактаблари ҳамда эртақчилик ижодиёти анъаналарига эгаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу ўзига хослик аввало эпик сюжетларнинг хилма-хиллиги, профессионал эртақчилар бадий маҳорати, ҳар бир ҳудудга хос урф-одат ва маросимларнинг эпик ижодиётга таъсири билан белгиланади. Шунинг учун ҳам ўзбек халқ эртақларини тўплаб чоп эттиришда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос эртақчилик анъаналарини акс

¹ Сув қизи (сехрли эртақлар) / Ўзбек халқ ижоди. Нашрга тайёрловчилар: М.Афзалов, З.Хусаинова. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966.

² Олтин олма (ҳаётий эртақлар) / Ўзбек халқ ижоди. Нашрга тайёрловчилар: М.Афзалов, З.Хусаинова, Н.Сабуров. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966.

³ Ўзбек халқ эртақлари (нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифлари: М.Афзалов, Х.Расулов, З.Хусаинова). 2 жилдлик. – Тошкент, 1960; Узбекские народные сказки (составление, подготовка текста и предисловие: М.Афзалова, Х.Расулова и З.Хусаиновой). В 2-х томах. – Ташкент, 1960.

⁴ Ойжамол (ҳаётий эртақлар) / Ўзбек халқ ижоди. Нашрга тайёрловчилар: М.Афзалов, З.Хусаинова, Н.Сабуров. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1969.

⁵ Гулпарӣ (Наманган эртақлари) / Ўзбек халқ ижоди. Нашрга тайёрловчи: Т.Ғозибоев. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1969.

⁶ Кулса – гул, йиғласа – дур (Абдуғафур Шукуров репертуаридаги эртақлар) / Ўзбек халқ ижоди. Нашрга тайёрловчилар: Б.Саримсоқов, З.Хусаинова. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.

⁷ Олтин бешик (сехрли эртақлар) / Ўзбек халқ ижоди. Нашрга тайёрловчилар: М.Афзалов, К.Имомов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.

этирувчи мажмуалар яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, 1954 йилда Хоразм шеваларига доир материаллар тўплаш мақсадида Аму сохиллари бўйлаб диалектологик экспедицияда бўлган тилшунос олим Ф.Абдуллаев ўзи ёзиб олган эртақларни 1961 йилда чоп эттирди.¹ Ўтган асрнинг 70-йилларида Бухоро вилоятидан С.Умаров тўплаган эртақлар 1979 ва 1981 йилларда икки марта нашр этилди.² 1994 йилда Жанубий Тожикистонда яшовчи ўзбек-лақайлардан профессор Б.Саримсоқов ёзиб олган эртақлардан тузилган “Донишманд Искандар”, 2005 йилда эса Ж.Юсупов тўплаган “Хоразм эртақ, ривоят ва нақллари”, Т.Ғозибоев ёзиб олган “Наманган эртақлари” тўпламлари ҳам ўқувчилар кўлига етиб борди.³ Бундай нашрлар ўзбек халқ эртақларининг ўзига хос табиати, мавзулар кўламининг нақадар ранг-баранг ва хилма-хиллиги, эртақчилик анъаналарининг худудий хусусиятларини намоён этиди.

Узоқ йиллар мобайнида Фарғона водийси, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро вилоятлари бўйлаб илмий сафарлар қилган фольклоршунос олим М.Муродов билан ёзувчи Ҳожиакбар Шайхов фольклор экспедицияларда ёзиб олинган материаллар асосида “Ўзбек халқ фантастикаси” силсиласида “Оймомада аждаҳо” (1983), “Қора дев” (1984), “Ёнар дарё” (1985), “Илон пари” (1986) “Само тулпори” (1987), “Туликаҳқаҳ” (1988), “Олтин олма” (1989), “Сехрли киз” (1989) каби мажмуаларни чоп эттирган. Бу тўпламлар ўзбек халқ эртақларини маромига етказиб ижро этган таниқли эртақчилар – Раззоқ Қозокбой ўғли, Бибисора Худойберган қизи, Нуриддин эртақчи Адашбой ўғли, Ҳайдар Бойча ўғли, Имомали Эшмат ўғли (Наманган), Ҳасан Худойберган ўғли, Мирабдулла Ризаев, Бозор Жума ўғли, Ҳазраткул Худойберди ўғли, Ражаб шоир Нормурод ўғли, Зоҳир шоир Кўчкор ўғли (Қашқадарё), Ҳасан эртақчи Умаров (Кўқон), Турсунбой Бобоҳон ўғли (Самарқанд) сингари сўз усталаридан ёзиб олинган бўлиб, ҳажман катталиги, бадиий жиҳатдан пишиқлиги ва сюжетининг мукамаллиги билан ажралиб туради.

Бундан ташқари, турли йилларда ўзбек халқ эртақларидан тузилган кўпгина алоҳида тўпламлар ҳам нашр этилди. Хусусан, “Чалпак ёққан кун”, “Булбулигўё”, Ўзбек халқ эртақлари (1986), “Ўзбек халқ эртақлари” (нашрга тайёрловчилар: Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, 1988), “Чўлок бўри” (нашрга тайёрловчи: С.Холмирзаева, 1988), “Ўзбек халқ эртақлари”

¹ Узбекские народные сказки (составление, подготовка текста и предисловие: М.Афзалова, Х.Расулова и З.Хусаиновой). В 2-х томах. – Ташкент, 1962.

² Ўзбек халқ эртақлари (нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифлари: М.Афзалов, Х.Расулов, З.Хусаинова). 2 жилдлик. – Тошкент, 1963; Ўзбек халқ эртақлари. 2-жилдлик (нашрга тайёрловчилар: М.Афзалов, Х.Расулов, З.Хусаинова). – Тошкент: Шарк, 1995.

³ Сув кизи (сехрли эртақлар) / Ўзбек халқ ижоди. Нашрга тайёрловчилар: М.Афзалов, З.Хусаинова. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966.

12+

